



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 170 (6774).

26 август, 1976 йил

ПАЙШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК

ВА УНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗАЙЛИК!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Область партия комитети Қўйи Чирчиқ районидagi «Москва» колхозининг 1976 йил пахта ҳосилини йиғиб териб олишга тайёрланиши ва уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан белгиланган тадбирларини маълумлади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, касабасоноларни область совети, область комсомол комитети ва уларнинг жойлардан орашлари, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, «Узсель»

хотехника» область бирлашмаси, колхоз совхозларнинг раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотларига Қўйи Чирчиқ районидagi «Москва» колхозининг 1976 йил пахта ҳосилини йиғиб териб олишга тайёргарлик кўриши ва уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан белгиланган тадбирларини муҳофиза қилиши ва ҳосили ўз қудратига йиғиб-териб олиш ҳақида давлатга пахта хомашисини сотиш юзасидан қабул қилган социалистик мажбуриятлар

нинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун конкрет чоралар кўришни топширди.

Область ва район газеталарига, Тошкент область ва шаҳар меҳнаткашлари учун эшитиришлар бош редакцияларига, «Тошкент» телепрограммасига теримга тайёргарлик кўриши ва пахта тайёрлаш, теримнинг бориши ва янги ҳосилини давлатга топширилишини мунтазам ёритиб бориш топширилди.

Қўйи Чирчиқ районидagi «МОСКВА» КОЛХОЗИНИНГ
ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ
УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН

ТАДБИРЛАРИ

Бизнинг ерларимизда сизот сувлари ер юзасига яқин. Шунинг учун суғоришни ва коллектор зовурларини тозалашни ўз вақтида тугаллаш катта аҳамиятга эга. Хўжаликда сизот суғориш 25 августда тугатилди ва ана шу муддатда барча зовурлар бегона ўталардан тозаланди. Суғориш вақтида сизот сувлари тўпланма мақсадида фойдаланилган тўсиқлар олиб ташланди. Бу тадбирлар кўсакларнинг эрта пилиб етилшига ёрдам беради.

Ўза дефолиациясини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш терим техникасида юксак унумли фойдаланиш имкониятини берувчи муҳим омидир. Пахтакорлар область совети тавсияларига ва кўп йиллик тажрибасига таяниб, икки-учтадан кўсак очилганда дефолиация ўтказамиз.

Бу ишни 27 августда бошлашни ва 31 августда тугаллашни мўлжал қилиб қўйилди. Шунга қадар биз терим олдидан ўза қатор оваларидеги бегона ўталарни йўқотиш билан шуғулланамиз.

Дефолиацияни муваффақиятли ўтказиш учун барча тадбирлар кўриб қўйилди. Биринчи ишловдан кейин оқ катта-катта майдонларда 75—80 процент ўза барги тўкилишига эришамиз.

Ана шу мақсадда дефолиантлар ўз вақтида келтириб қўйилди. Авиамойдонлар яхши жондорланди. Зарур ускуналар техника ва бошқа воситалар тайёрлаб қўйилди. Самолётларини ўзласиз юк билан таъминлаб туриш учун олти ишчи, шунингдек тўрт сингалчи таъминланди, ўқитилди. Учувчилар учун яхши маданий

маиший шароит яратилган. Дефолиацияни ҳаво салқини билан тугаллаш зарур. 6 дан 10—11 гача, кечқурун соат 6 дан 8 гача бўлган вақтда ўтказамиз.

Ўза барглариининг тўкилишини диққат билан кузатиб борилади. Зарур деб тоғилган тақдирда аудлик билан кушимча дефолиация ўтказамиз. Машина теримини 16—17 сентябрдан бошлаймиз. Бу даврга келиб, 60—65 процент кўсак очилган бўлади. Шундай қилсак пахтанинг асосий қисmini ўз вақтида териб олиб, юқори сортларда топшириш имкониятига эга бўламиз, яхши пахталар паст сортли пахталарга аралашиб кетмайди.

Агрономлар ва бригадирлар ҳар бир карталарда кўсакларнинг очилиш процентини узлуksиз ҳисоб-китоб қилиб бориладилар. Уларнинг маълумоти бўйича қудалик топириқлар ва терим машиналарининг ишлаш маршрутлари белгиланб борилади. Колхозда 20 та икки қаторли «ХВ-1.8» маршали терим машинаси ва битта тўрт қаторли «ХН-3.6» машина бор. Уларнинг ҳаммаси ремонтдан чиқарилиб, бригадалар бўйича шай қилиб қўйилди. Икки сменада ишлаш учун 42 механик-ҳайдовчи тайёрланди, комплентлаштириб қўйилди. Механик-ҳайдовчилар ўз машиналарини акт бўйича қабул қилиб олишган. Уларнинг ҳар бири смена нормалари ва ёқили сарфлаш нормалари, меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби ва нормаси, кўшимча ҳақ тўлаш шартлари ва тадбирлар билан таниш. Ҳозир механик-ҳайдовчилар ўзларига ажратилган участкаларни қўздан кечирмоқда, бригадирлар билан ҳамкорликда иш олиб бориб,

даладаги қолган-қутган бегона ўталарни йўқотиш, ўқариқларини яхшилаб текислаш тадбирларини амалга оширмоқдалар. Бу ва карта четлари ҳисобига машиналар айландилган ва кирадиган полосулар тайёрланмоқда.

Ҳар бир машинага икки-тадан трактор тележаска бириктирилган. Трактор полсуларни таниш этилиб, уларнинг ҳайдовчилари белгиланган. Хўжаликда биринчи машина теримининг ўзидаёқ ҳар гектардан 26 центнердан биринчи сорт пахта териб олиш мўлжаллаб қўйилди. Ётиштирилган ҳосилининг ҳам деганда 95 процентли машиналарда териб олинади. Давлатга топшириладиган пахтанинг юқори сортли бўлишини таъминлаш колхозга катта миқдорда даромад келтиради, хўжалиқнинг молиявий ҳолати мустаҳкамланади, шунингдек каттагина миқдордаги маблагларни махсус тадбирларини амалга ошириш учун ажратиш имкониятини беради.

Социалистик мусобақа голдларини аниқлаш ва уларнинг ишига баҳо беришда терим пахтаининг қанчаси биринчи сорта топшириладиганини, тўғрисидаги қўрсаткич муҳим роль ўйнайди. Бригадалар ва эконолар бўйича меҳнатга қўшимча ҳақ таъминлаш пайтига ҳам бу қўрсаткич алоҳида ҳисобга олинади.

Илгари йилларда колхозда ҳосилини механизация воситасида йиғиб олиш бақат терим машиналарининг иш билангина чегараланар эди. Тўкилган қўсаклар ва пахталарини ердан териб олиш ҳамда даладаги қолган-қутганларини тозалаш ишлари асосан қўл кучи ёрдамида бажари

ларди. Бу, албатта, рентабеллик даражасини қаматтириб юборди.

Ҳозирги пайтда хўжалигинида олтига қурак териш машиниси ва олтига механик-подбориш машиналари бор. Бу техникадан юксак унумда фойдаланиш учун ҳар бир машинага икки-тадан механик-ҳайдовчи танданб, тайёрланди.

Иккинчи машина теримидан сўнг дарҳол тўкилган пахталарини терилиши бошлаймиз ва бу ишни совуқ кунлар бошлангичдан тугаллашга қаратилган. Биринчи теримдан сўнг ҳали очилмаган кўсаклар анчагина бор бўлган майдонларда десикация ўтказамиз, бу кўрак териш машиналарининг поток усулида ишлаши учун кенг қўлдан имоният яратди.

Пахта йиғим-терим пайтида терим машиналари, кўсак териш машиналари, механик-подбориш машиналари қўрилмаси ишга солиниб, уларнинг ҳайдовчилари ўзрасида ўзаро-мусобақачилик кўламда аж олдирилди. Голдларини пул мукофоти, қимматбаҳо совғалар билан таъдирлаб, уларга ямғирлар топширамиз. Мусобақа ҳар беш кунда яқун чиқарилади.

Пахта йиғим-терим пайтида дала меҳнаткашларининг унумли ишлашлари учун барча зарур маданий-маиший шароитлар яратиб берилади. Дала ишчилари жиҳозлаб қўйилган. Ҳамма ерда иссиқ оғдат ташкил этилади. Савдо ва медицина хизмати пухта йўлга қўйилди.

Мақсуд тадбирларнинг амалга оширилиши пахта теримига бўладиган меҳнат ва бошқа сарф-харажатларни қаматтириш, ҳосилининг нобуд бўлишига йўл қўймаслик имкониятини беради. Пахта тайёрлашнинг юксак суръати таъминланади. Зимага олинган юксак социалистик мажбуриятни муддатда илгари бажариб, 1977 йил ҳосилини тайёргарлик ишларини ўз вақтида ўтказишга эришамиз.

Ушбу тадбирлар колхозчиларнинг умумий йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

«САЛЮТ-5» СТАНЦИЯСИНИНГ ЭКИПАЖИ ЕРГА ҚЎНДИ

ТАСС АХБОРОТИ

Космонавтлар Борис Валентинович Волинов ва Виталий Михайлович Жолубов ўртоқлар бошқариладиган «Салют-5» илмий станциясидagi 48 суткалик тадқиқот программасини бажариб бўлгач, 1976 йил 24 август кўни Москва вақти билан соат 21 дан 33 минут ўтганда ерга қайтиб тушди. «Союз-21» транспорт кемасининг туширилуви аппарати Совет Иттифоқи территориясининг белгиланган қўйилган районига, Қўсачов шаҳридан икки юз километр жануби-ғарбда ерга қўнди. Космонавтлар уларнинг қонқарли ҳис қилмоқдалар.

Станция қўнидаги ишларнинг белгиланган программаси тугаллангандан кейин экипаж «Союз-21» транспорт кемасини станциядан ажратиш ва ерга қўндиришга тайёрланди. Илмий тадқиқотларнинг материаллари туширилуви аппаратида олиб ўтилди.

Москва вақти билан соат 18 дан 12 минут ўтганда кема станциядан ажралди, сўнгра кеманинг тормоз двигател қўрилмаси ишга солинди. Двигателнинг иши таном бўлгач, «Союз-21» транспорт кемасининг бўғмалари бир-бирдан ажралди ва туширилуви аппарати пасайиш траекториясига ўтди.

Ҳисоблаб қўйилган бандлигида парашют системаси ишга туширилди, туширилуви аппарати охишга ерга қўнди.

Узоқ давом этган космик парвоз вақтида «Салют-5» орбитал илмий стан

циясидан ер ва қўш атмосферасининг физикавий ҳоссадари тўғрисида жуда кўп ва қимматли илмий маълумот олинди. Ер юзасини фан ва ҳақ хўжалиқининг турли тармоқлари маърафатлари йўлида тадқиқ этишга катта эътибор берилади. Совет Иттифоқи территориясининг катта районлари теласида комплекс суратга олиш ишлари ўтказилди. Турли физикавий жараёнларнинг кечилиши ва вазнсизлик шароитидаги технологиявий операцияларни ўтказишнинг тадқиқ қилиш парвоз программасининг мустақил қисми бўлди. Парвоз давоида космик кемалар ва орбитал станцияларнинг янги системалари ва приборларини пухталаштириш иши муваффақиятли ўтказилди. Илмий ораинининг одис космик парвоз омиллари таъсирини қандайд бardoш бериши комплекс тадқиқ этилди.

Бутун парвоз давоида ердаги номада-ўлов комплекс ва СССР Фанлар академиясининг Атлантика океани акваториясига турган «Космонавт Юрий Гагарин», «Академик Сергей Корольев», «Бекниж» ва «Несель» кемалари «Союз-21» космик кемаси ва «Салют-5» орбитал станцияси билан алоқани пухта таъминлаб турдилар.

«Салют-5» станциясининг учини автомат режимда бошқарилиб тутилди. Станциянинг ҳамма системалари нормал ишламоқда.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВГА

Қадри Леонид Ильич!

«Салют-5» орбитал станцияси экипажи зиммасига юкланган вазибалар бажарилаётганини Сизга маълум қиламиз. «Союз-21» кемасининг ерга туширилуви аппарати белгиланган районга муваффақиятли равишда қўйилди.


«Салют-5» орбитал станцияси ва унинг ҳамма системалари нормал ишлади

ҳамда гоит пухталигини кўрсатди. Сифат жиҳатидан янги илмий материаллар олинди, улар космик техникани ва ҳақ хўжалиқини янгида ривожлантиришга ёрдам беради. «Салют-5» станциясини автоматик режимда парвозини давом эттирмоқда.

Қадри Леонид Ильич! Биз космик техникани ривожлантириш, космонавтлар тўғрисида ҳормай-тоғмай ғамхўрлик қилаётганлиги

ниги учун Сизга чин қўнглинидан ташаккур изҳор этамиз ва бўюк Ватанимиз бахт-савдати ҳамда бутун дунёда тинчлик маърафатлари йўлида Сизга чин қўнглинидан сифат-саломатлик тилаймиз.

Командир полковник
ВОЛИНОВ,
Бортинженер-подполковник-инженер
ЖОЛубОВ.



Суратда: Борис Волинов ва Виталий Жолубов.

АПН фотоси.

ПЛАН ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ БАЖАРИШ—ШАРАФЛИ БУРЧ

Илгари хабар берганимиздек, 24 августда Тошкент область партия активи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Бекобод ва Янгийўл шаҳарлари партия комитетларининг 1976 йил ҳақ хўжалик планининг муддатидан олдин адо этилишини таъминлаш юзасидан социалистик мусобақачилик аж олдириш ва саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, асбоб ташкилотларида зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш бўйича олиб бораётган ишларни муҳокама қилинди. Бу масала юзасидан Бекобод шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. М. Аббосов ва Янгийўл шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. И. Рибалко ўртоқлар доқдал қилдилар.

Бекобод шаҳри меҳнаткашлари социалистик мусобақачилик кенг қўлоқ ёйдириб, тўғрисидаги беш йиллик топшириқлари ва КПСС XXV съезди шарафига олинган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ
ПАРТИЯ АКТИВИ
ЙИҒИЛИШИДАН

Эдиллар.— деди Б. М. Аббосов.

Шаҳар меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларига жавобан ва КПСС Марказий Комитетининг СССР Министрлар Совети, ВПСС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш самалардорлиги ва иш сифатини ошириш, 1976 йил ҳақ хўжалик планини муваффақиятли бажариш юзасидан Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарориди амалга ошира бориб, ўз зиммаларига янги, оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. 1976 йил маҳсулот реализация қилиш планининг 15 декабрда адо этиш ва планга қўшимча равишда 5.6 миллион сўмлик, шун жумладан муқобил план бўйича 1 миллион 514 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун кураш бошланди.

Шу йилнинг бошида шаҳар партия комитети бюроси қарори билан ташкил этилган штаб социалистик мусобақачилик боришига раҳбарлик қилмоқда. Штаб ишлаб чиқариш коллективлари зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг қандайд бажарилаётганини мунтазам анализ қилиб бормоқда. Мажбуриятларнинг бажарилишини бориши ҳар 3 кунда муҳокама қилинади. Штабнинг тавсияси билан шаҳар партия комитети бюросида ён партом йиғилишларида маълум корхоналарнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар тингланмоқда. Жумладан, шаҳар партия комитети бюроси маҳсулот реализация қилиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган қўрсаткичларни бажаришга «Металлист» заводи, цемент комбинати, Ўзбекистон металлургия заводи партия ташкилотларининг ҳисоботини тинглаб, муҳим тадбирлар белгиллади.


(Давоми 2-бетда).

БИР ЙИЛДА ИККИ ЙИЛЛИК МЕВА

Тошкент району меҳнаткашлари Оржоникиде району боғов-соҳибдорларининг бир мавсуда икки-уч йиллик мева еттиштириш юзасидан бошлаб берган ватанпарварлик ташаббусларига қўшилиб улкан зафар қучдилар. Бугунги кунгача давлатга 3600 тонна урнига 7312 тонна сифатли мева топширилди, йиллик план 203 процент қилиб бажарилади.

Райондаги барча хўжаликлар давлатга ҳул мева сотиш йиллик планларини муддатидан илгари ортириш билан адо этидилар. Янгийўл, Илмий ноқли колхоз боғов-соҳибдорлари 110 тонна ўрнига 516 тонна сифатли мева топшириб социалистик мусобақада қаровобчилик қилдилар. Шунингдек, Қарл Маркс ноқли, Навоий ноқли ва Оқубов ноқли колхоз, коллективлари ҳам шу кунгача икки йиллик план миқдорига ҳул мева еттиштиришга муваффақ бўлишди.

Район сабзавоткорлари давлатга 4239 тонна боғдор маҳсулотини еттиштириб, бу соҳадаги йиллик планини ҳам муддатидан илгари ўриладилар.



Оққўрғон районидagi «Ленинбод» колхозини меҳнаткашлари пахта йиғим-терим маъсумига шай бўлиб турибдилар. Хўжалиқдаги маъсуд 24 та терим агрегатининг ҳаммаси старт майдонига келтириб қўйилган. Суратда: бир группа меҳнаткорлар старт майдонига.

МАККАЖЎХОРИ ДОНИ НИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ
ВА МАККАЖЎХОРИ ДОНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 25 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН
МАЎЛУМОТ

(Биринчи сўя — макка жўхори дони ва шоди тайёрлаш топшириқини, иккинчи сўя тайёрлаш (тона), учинчи сўя бир кунлик топшириқнинг бажарилиш проценти, тўртинчи сўя маъсум бошидан бери).

	19.0	106.8	4.1	61.8
Оққўрғон	3.2	105.9	6.2	81.0
Бекобод	19.6	105.4	7.3	70.4
Чиноз	11.9	90.3	5.9	54.4
Қўйи Чирчиқ	9.7	81.2	7.2	60.9
Янгийўл	10.1	80.1	4.0	38.1
Ўрта Чирчиқ	12.7	74.2	7.7	61.5
Оҳангарон	14.5	71.1	6.4	43.2
Тошкент	26.3	71.0	7.2	41.1
Бўна	11.5	69.9	11.3	61.0
Писевит	23.5	59.1	8.9	68.5
Юқори Чирчиқ	16.0	46.4	3.5	23.7
Бўстонқиз	11.2	41.5	4.7	18.8
Оржоникиде	7.2	17.6	5.2	23.1
Область бўйича:	13.6	75.5	6.5	52.1

ВАЪДА

БАЖАРИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг кубаник галларкорларга йўлаган табрик хатидан руҳланган Калинин району маккажўхориноқлари ўз зиммаларига социалистик мажбурият қабул қилиб, давлатга 560 тонна маккажўхори дони сотишга сўз берган эдилар. Ўлар ўз ваздаларини шароит билан бажаришди. Тайёрлов пунктларига 590 тонна қаҳрабо дони йўнатилди.

(Боши биринчи бетда).

Йилликнинг биринчи йили
ошланган мусобақани тобо-
дан йигирувчилар Алек-
сандр турибсиз. Улар смена
М. Нуриддинов фотоси.



ТОШКЕНТ қаноп фабрикаси коллективи ўзинчи беш йилдакининг биригчи йили тошқарқиларини мұддатдан оддин бажарини юзасин бөлшанган мусобақани тобора авж оддирюқда. Суратда: мусобақа пешмодаларидан - Ёигирувчилар Александра Евдокимова ва Любовь Ломанина ўртоқларини кўрб турибиз. Улар смена тошқарқиларини бир йрим ҳисса қилди бажарышлати. М. Нуриддинов фотоси.



№ 142

ВАТАНИМИЗНИНГ СОДИҚ ПОСБОНЛАРИ БЎЛАЙЛИК

ҒАРБИЙ фронт учун янги янги куч олиб келаётган шевелонга Тула станциясида душман самолётлари ҳужум қилди. Кетма-кет ёндоғи бомблар портлади. Атроф ларзага келди. Станцияни чаң-тўзон, аланга қамраб олди... Йўлдош Қўлмухамедов учун уруш ҳудуди шу ердан бошланди.

Фашистлар Германияси ҳар қандай маглубияга қарамастан қишгача Москва ва Ленинградни ишғол қилиш, Қрим орқали Кавказга ўтиш учун 1941 йилнинг кузиде 80 дивизиясини ҳужумга ташлади. Совет қўшинлари бу жагда ҳам ўз матонати, бўқилиши иродаси билан Ватанга содиқлигини яна бир қарор исботлади.

1941 йил ноябрь ойининг иккинчи ярмида Тула ва Валок районида душман шиддатли ҳужумлар бошланди. Москва ҳаво остида қолган даврларда 35-авиация дивизиони ҳам пойтахт ҳимоясига ташланди.

Биз билан ёнма-ён И. В. Панфилов қўмондонлигидаги машҳур 316-ўқин дивизия жағ қиларди, — эслайди бригадаси сийси раҳбари Йўлдош ака Қўлмухамедов. — Бу дивизиянинг бир бўлимига тенгсиз жағда мисли қўрилмаган жасорат кўрсатганини гувоҳи бўлдим. Дубосеково-Волоколамск шосседа фашистларнинг 50 танкига қарши 30 совет солдати жағ қилди.

Улар бўлимининг сийси раҳбари В. Г. Глозов-Диев бошчилигида душман танкининг биоратасини ҳам ўтказмадилар, ўзлари ҳам қаҳрамонларча ҳалок бўлишди.

Волоколамскини озод қилиш учун олиб боришда жағлардан бирида Йўлдош ака бир нечани танкини граната отиб сафдан чиқариб, танкининг бўлишини истаганда танк экипажи ва миномёт расчитини

икки солданини қўлатди, бирини асир олди... Йўлдош ака ҳаво ҳужумига қарши мудофаа бригадасига вазод командири қилиб тайинланди. 1942 йилнинг январда Москва ва Тула областларини душмандан тазалашда, бундан ташқари Калинин, Клин ва бошқа фронтларда иштирок этди.

— Яковлев кишлоғидаги муҳим қотиллик ҳамон кўз олдида, — дейди у. — Бир ер-тўлада кўзлари ўйиб олинган, юзлари устара билан тилиб

талъон разведка вазодининг командири қилиб тайинланди. —Биз Пустышка-Идрица ўрмони яқинида мудофаада турган эдик. Ҳужум олдидан уч жағчи маълумот олиб келиш учун разведкага йўл олдик. Урмон ёқисидеги бугдойзор оралаб кетдик. Душман истеҳкомлари кўринадиган жойга етганимизда тасодифан немисча сўзлар эшитилиб қолди. Узини панага олиб, овоз келган томонга қарасам бир фриц артидан ўз шерги, деб ўйлаб менга кетимдан юра даган-

ган душман разведкачиси жуда муҳим маълумотлар берди. «Тил» берган маълумотларга кўра, душмanning ўт очиш нуқталарини, дзотларни четлаб, фашист истеҳкомларига яқинлашиб, сигнал бердик. Тўлар отишмаси ва чаң-тўзон остида танклар кетидан атакага ўтдик. Таҳликада қолган душман бетартиб ўт оиди. Газандаларнинг биринчи, иккинчи истеҳкомларини ҳам кам талафот бериб эггалладик.

Набатдаги марра Пустышка-Идрица темир йўли шимолидаги қолган-қутган фашистларни станицадан қувиб чиқариш эди. Йўлдош ака батайбони ҳужумга пухта тайёрлангач, атакага ўтишди. Аскарлар ўқ ёнғини остида ҳам дам этиб, дам ютуриб душман истеҳкомларига ҳамла қилишди. Галаба.

1944 йилнинг октирда қаттиқ эрланган И. Қўлмухамедов Тошкентга қайтди.

Ҳозирги кунда Йўлдош ака Чапаев номидаги 15-ўрта мактабда бошланғич ҳарбий таълим ўқитувчиси бўлиб ишлаб турибди. У 1943 йилдан —коммунист.

— Йўлдош ака Қўлмухамедов, — дейди мактаб директори Турғун Қодиров — мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари орасида ҳурматга сазовор ҳаммаслаберишдан бири.

Мактабда устоз касбига иқлос қўйган шогирдлар билан танишдик. Раҳматуллоев Ҳамидулла-майор, Ҳайитбоев Мўмин-майор, Бўронбоев Улмас-капитан, Исмолов Султон-лейтенант ва яна бир талай кадрлар етишиб чиқибди.

Партия ва ҳукуматимиз йўлдош ака Қўлмухамедов из-ма-изини муносиб тақдирлади. Унинг кўниси «Қизил Юлдуз» ордени ва олти жаңговар медаллар бериб турпти.

П. НАЗАРОВ

ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ Шимол-ий флот жағчилари сафиде республикаимизнинг ўғлонлари ҳам қўллаб топилди. Улар кўп миллатли аҳли оиланинг Ватан олдидаги бурчларини ало даражада ўтамоқдалар. Суратда: набатдаги машғулот тайтаси.

ТАСС фотохроникаси.

* ОДЕССА СОЛНОМАСИДАГИ ЁРҚИН САҲИФА
* ҚАҲРАМОНЛИК НАМУНАСИ
* ВЗВОДЛАР МУСОБАҚАЛАШГАНДА
* АЪЛОЧИ РАСЧЁТ * КОМАНДИР ГАШАККУРИ

Ҳамшаҳарларимиз шундай хизмат қилмоқдалар

«СОВЕТ ИТТИФОКИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН»

Ярим тунда бошланган машғулот эрта саҳарда тугади. Бўлима жағчилари операцияни муваффақиятли якунладилар. Командирликнинг тошириқларини бажаришда гвардиячи оддий аскар А. Шокров ҳам бошқалардек ўрнат қўрсатди.

Взвод сағра тизилди. Полк командири машқ ало даражада ўтганлигини таъкидлагач, бир неча солдатларга тошқурунома эълон қилди. Бугун орасида А. Шокров номи ҳам тилга олинди.

— Совет Иттифокига хизмат қиламан! — деди мағрур оҳанг билан жағчи йигит.

Ш. АҚБАРОВ

ИНТИЛИШ

У ҳаяжонини яшра олмади. Дўстлар галаба билан табриқлашар, илқ сўзлар билан қўллашар, старший сержант эса чарқочини ҳам унутиб, нима дейишни билмасди. Қўсончинини яшра олмади, бирок камтарлиги билан оҳиста дерди:

— Мен эмас, кичик сержант Каримовни табриқлаш керак. Ана ундан кўп нерса ўрганса бўлади. Биз нима ҳам қилибми! Расчётимиз аълочи бўлганини учун тошириқини кўнгалтирдик бажардик, хопос.

Аълочи расчёт командири старший сержант С. Абдуллаев ҳақ гапларини айтди. Артиллериячи жағчиларнинг кўнчилиги тактик машғулотларда баҳамхотат бўлиб иш тутдилар, ҳарбий билимларини ва маҳоратларини ишга солдилар. Шунинг учун ҳам старший сержант С. Абдуллаев раҳбарлигидаги бу расчёт энг юқори баҳо олди.

Бундай ютуққа эришиш ўзиндан ўзи бўлгани кўч. Қиш кезларида жағговар ўқу машғулотларида артиллериячилар КПСС XXV съезди шарафига ўзаро мусобақани қизитиб, аълочи расчёт комини олмишга ақд қилишган эди. Бунинг учун командир ҳар бир солдат билан яқима-яқима шугулланди. Жағчи-га бугун эришган ютуғи эртага чегара эмаслигини тушунтирди олди.

Съезд арафаси эди. Командир кўли остидаги раҳбарини бир ерга йигди.

— Узингизга маълум, ҳозир ҳаммо ерда партияимиз съездининг маҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ўзаро мусобақа бошланган. Биз ҳам анз шу умумхалқ ишидан четда қолмайлик! — деди командир — Биз билан сизнинг съездга совғализ ҳарбий билимимизни ошириш, қудратли техникачиларини мукамал ўрганиш ва аълочи расчёт номига сазовор бўлишдир.

Доний ва машаққатли ўқу машғулотларида жағчилар маҳоратларини ошира бордилар. Мана энди энг илгор артиллерия расчётининг ҳар бир жағчиси барча саволларга тўғри жавоб бериш билан бирга машғулотларда командир томонидан қўйилган тошириқларни ало даражада бажармоқда. Навоқачи Ю. Тоғоев, ўқувчи С. Жаппа-ров ва командир С. Абдуллаевлар биринчи классдаги му-таассислардир. Аълочи расчёт аълоларининг бундай ютуққа эришиларида тадбиркор ва ташаббускор командир С. Абдуллаевнинг хизмати каттадир.

Командирнинг бугунги ҳур-сандчилиги бонси ана бир расчёт — кичи сержант Каримов бошлиқ артиллериячиларнинг аълочилири сафидан жой олганлигидир.

В. САВЕНКОВ, сержант.

СОҲИЛДАГИ ҚАЛЪА

(ОДЕССА МУДОФААСИНИНГ 35 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН)

Одесса мудофааси Улуғ Ватан уруши тарихидаги энг ёрқин саҳифалардан биридир. 1941 йил 5 августда Олий Бош қўмондон қароргоҳи Одессани тошпирмаслик ва уни охириг икакотинг борича қимоз қилиш, бунинг учун эса Қора денгиз Флотинин сафар-бар этиш ҳақида буйруқ берди. Шунга биноан денгиз соҳилидаги бу қалъа учун ку-реш қизғин тус олди. Сувда ва ҳавода, ер усти ва остида гитлерчиларга бирин-кетин қиқақчилик зарба берилди. Бу олишув 73 кун давом этди. Шаҳар олов ичиде эди. Унинг ҳамма ёғида бомба ва снарядлар портлар, ҳатто ер ости горлари ҳам тинимсиз гүмбурлар эди.

Гитлерчилар ҳар кун бир неча мартабда жон-жаҳдлар билан ҳужум қилиб турдилар. Лекин уларнинг барча уринишлари чиппака чиқверди. Шунда душман ҳаммадаги муночиларини қасас қолдирлар ҳарор қилди. Шаҳарликлар учун оғир қуилар бошланди. Ҳатто сув ҳам қарточка билан оз миқдорда бериладик бўлди. Лекин одессаликлар улуғ рус саркардаси Суворов асос қилиб, буюк рус шоири Пушкин ўзининг шох

асарларида шарафлаган бу шаҳарни қаттиқ туриб қимоз қилдилар. Потёмкин броненосеци бошлаб берган ажиб-ий революцион ва жағговар традицияларга содиқ қолдилар. Одесса шаҳрини қимоз қилишда руслар билан бирга барча миллат азаллилари, жумладан, ўзбеклар ҳам қатнашдилар.

1941 йилнинг август ойидан бошлаб 25-Чапаев дивизиясига Иван Ефимович Петров кўмондонлик қилди. Урта Осиёда босмачиларга қарши курашларда тобланган бу генерал шарқ тилларини ҳам пухта эггаллаган эди. Шу тўғрйли у рус бўлмаган жағчиларни гоавий ва сийси жиҳатдан тарбиялашга ҳам ўз хиссасини қўшди. Рус саркардаси бошлиқ бу дивизия шаҳар мудофасининг жануб томонида душманга қарши кўнчили қалъа қилиб турди. Чапаевчилар ажиб-ий қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Ўзбек халқининг шонли фарзанди, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ботир Бобоев ўз одессалик дўсти Плованский билан бирга шаҳарга биринчи бўлиб бостириб кирди. 1944 йилнинг

апрелида у 35-дивизияга састаеда батареяга командирлик қилиб, тўп расчёти билан душмanning жонли куч ва техникасига талайгина пурут этказди.

Командирнинг ҳамшаҳари Омон Умаров ўзининг биринчи жағини ана шу Қора денгиз киргоқларидан бошлади. Қуилардан бир кун уни полковник Осилов ўз ҳузурига чақириб олди.

— Фамилиянгиз? — сўради у.

— Қизил аскар Умаров.

— Қарелисиз?

— Ўзбекистондан, Тошкентликман.

Полковник қулди-да, шундай деди:

— Бир юртлик эканмиз. Бирга хизмат қилмаиз. Омон Умаров шу кундан бошлаб полк разведчиси қилиб тайинланди. Қўмондонлик тошпиринини ало даражада бажарди. Душман орқасига ўтиб тенгсиз курашда фашистларнинг учта автомашинаси ва тўққизта аскарини ер билан яқсон қилди.

Одесса яқинида жойлашган гитлерчилар аэродромини йўқотиш учун олиб борилаган бошқа бир йирқи операцияда тошкентлик бу йигит қаққон ва элчилик қилди. Ярим тунда у денгизчилар билан биргаликда аэродромга ериб кирди, юздан ортиқ ўқувчи, ўн олти самолёт ва ўттиздан ортиқ автомашинани мажкеллаб ташлади. Яқиндаги қишлоқлардан бирига чекиниб, бу ерда ҳам етти гитлерчи ер тишлатди ва бир неча бензин бакларини портлатиб юборди. Ана шу ажиб маҳорати учун Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

Омон Умаров кейинчалик Севастополь ва Новоросийск шаҳарларини озод қилиш учун олиб борилаган жағларда қатнашди. Охириг марта у Керчь ороғида туширилган десантчилар группасига бошчилик қилди. Омон фашистларни яқин келтириб, автомашиналарни сурункасига ўқ узди. Лекин гитлерчилар портага ериб кириб, қўл жағи бошлаб юборди. Омон Умаров ана шу жагда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Одесса учун жағларда яна бир ўзбек баҳодирини Тошкентда Ҳолматов ҳам ана шундай жасорат кўрсатди. Унинг жа-сади шаҳарининг рус қабрисига қўйилган. Бу қаҳрамон қабрини 1970 йилда унинг ўғ-

ли зиёрат қилгани борди. Ота-сининг қабри устига шаҳарлик пионерлар гулчамбарлар қўйишди, унинг атрофига гул қучатлари ўтказишди. Кейин билса шаҳарининг 76-мактаб пионерлари ўзбек қимозининг қабрини оталикка олишди. Улар ҳар йили Галаба кунин жағчинини хотирлаш учун бу ерга келишар экан.

1943 йил «Одесса мудофааси учун» медали тақдир этилди. Қора денгиз соҳилидаги бу қалъани қимоз қилган излаб жағчи ва командирлар ана шу медал билан мукофотланганлар. Улар орасида ўзбеклар ҳам оз эмас. Қўмондон шаҳар учун олиб борилаган жағларда душмanning 18 дивизиясидан 12 таси бутунлай тор-мор қилинди ва жуда кўп техникасига шикаст етказилди.

Денгиз соҳилида жойлашган қалъа

Қаршинда тўққинлар уради жағлои.

Ғалаба йўлида ошдин бир досон.

Сени унутмайман қаҳрамон шаҳар

Сенга тақсир ўқиб қаҳарлар денгиз!

Чирой очиб ўйот энди ҳар саҳар

Сенга муҳаббатли юракда чекис!

Т. ЭРНАЗАРОВ.

СЕРЖАНТ Александр

Пирогов танк командири бўлиб хизмат қилмоқда. Қисқа вақтда бу жағчи техниканинг сифларини мукамал ўлаштириб олди. Жағговар ва сийси машғулотларда дўстларига ўрнат бўлмоқда. Аълочи солдат номига сазовар бўлган комсомол аъло-си А. Пирогов яқинда набатдан ташқари отпусна билан тақдирланди. Суратда: танкчилар машғулот пайтида. Олдиде А. Пирогов.

А. Асанов фотоси.



ҲАМИША ОЛДИНДА

Армияни чиникташ мактаби деб бечиз айтишмаган. Бу сўзларнинг қаччалик ҳаққоний эканлигини оддий аскар Шермухаммад Эгамбердиев жид-ликда жуда яхши билади.

Унинг ҳаққини хизматга, Ватен олдидаги шарафли бурчинини ўташ учун қақирланганга бир қилдан ошди. Ана шу вақт мобайнида ҳар томонлама ўқди. Дўстлари ва командирларининг ҳурматига сазовор бўлди.

Тошкент областининг Юқори Чирчик районидеги «Правда» колхозиде ўсиб-ўлғайган бу йигит олти ойлик кичик командирлик мактабиде қўиб юрганлигиде, ўзининг қобилияти, тиришқоқлиги, қизиқувчанлиги, дўстларига меҳрибонлиги билан эътибор қозонди. Ўқшини тутатган у бўлимага командирлик қила бошлади.

Ш. Эгамбердиев командирлигидеги бўлимага тез орада ҳарбий машғулотда юксак кўрсаткичларга эришди, илгорлар сафидан ўрин олди. Шермухаммаднинг ўзи солдатларга ҳар ишда ўрнат қўрсатиб хизмат қилди.

Шермухаммад Эгамбердиевнинг командирлиги қобилиятини, берилган тошпирқларни ало даражада бажаришини ҳисобга олган раҳбарлар уни вазод командирининг ўринбосари қилиб тайинладилар.

Ғалаба кунига бағишланган байрам минтинги бўлаётган эди. Минтингда сўзга чиққан командирлар хизматда яхши кўрсаткичга эришган жағчиларини тақдирлашди. Улар орасида вазод командирининг ўринбосари Ш.

Эгамбердиев ҳам бор эди. Шу кунин унга сержант ҳарбий уқонини берилди.

Яқинда комсомол аълоси, аълочи солдат Ш. Эгамбердиевга янги вазифа тошпирқиди. У вазод командири этиб тайинланди. Шермухаммад бошчилик қилаётган вазод жағчилари ҳар соҳада илгорлигини қўлдан бермайтилар. Командир фақат ҳарбий машғулотларда эмас, бошқа жиҳатдан ҳам ўрнат бўлмоқда. У ўзининг шўх, ўнқон куй ва қўшилари билан жағчилар ҳуриятини қозонмоқда. Шермухаммад илгорлигидеги ўзбек халқининг оҳангбери қўшилари. Узоқ Шарда хизмат қилаётган йигитлар орасида баралла таралмоқда.

И. РОХАТОВ, Н.ҚИСМ.

